

# ЯГОНА QR-КОД ОРҚАЛИ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш. «\_\_» \_\_\_\_\_ 202 й.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг **369-моддасига** мувофиқ расмий **Оммавий оферта** (бундан буён матнда – *Оферта* ёки *Шартнома* деб юритилади) ҳисобланади.

Бундан буён «**Банк**» деб юритилувчи «**Ziraat Bank Uzbekistan**» АЖ номидан Ишончнома асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ бир томондан, ва ушбу Оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилган (акцептлаган) юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор, бундан буён «**Мижоз**» деб юритилувчи иккинчи томондан, биргаликда «**Томонлар**» деб аталувчилар, ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- **Ягона QR-код** – Марказий банкнинг миллий QR-код стандарти асосида шакллантирилган, Мижознинг банк ҳисобварағи ва реквизитларини ўзида жамлаган ҳамда харидорларга мобил иловалар орқали тўлов қилиш имконини берувчи матрицали штрих-код.
- **Акцепт** – Мижоз томонидан ушбу Оферта шартларини тўлиқ ва қайтариб олинмайдиган тарзда қабул қилиниши (ариза топшириш, тизимда рўйхатдан ўтиш ёки QR-кодни фаоллаштириш орқали).
- **Харидор** – Мижоздан товар ёки хизматларни сотиб олувчи ва Ягона QR-код орқали тўловни амалга оширувчи жисмоний шахс.
- **Шахсий кабинет / Мобил илова** – Банк томонидан Мижозга транзакцияларни кузатиш ва QR-кодларни бошқариш учун тақдим этилган рақамли платформа.
- **Мерчант (Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси)** – Банк билан тузилган ушбу Шартнома асосида, Ягона QR-код тизими орқали Харидорлардан товарлар ва хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор (Мижоз).
- **МСС код (Merchant Category Code)** – Мерчантнинг фаолият турини (масалан: супермаркет, дорихона, ресторан ва ҳ.к.) белгиловчи ва халқаро/миллий тўлов тизимлари томонидан классификацияланган 4 (тўрт) рақамли махсус код. Бу код Банк томонидан Мерчантнинг ҳақиқий фаолиятидан келиб чиқиб тизимда соланади.
- **Кассир** – Мерчант номидан ҳаракат қилувчи, Харидорларга бевосита хизмат кўрсатувчи ва Ягона QR-код орқали тўлов амалга оширилганлигини (Шахсий кабинет, СМС ёки махсус илова орқали) назорат қилувчи масъул ходим.
- **Қонунчилик талаблари** – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан банк фаолияти, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий

қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, тўлов тизимлари ҳамда бошқа соҳалардаги амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талаблари.

## **2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**2.1.** Банк ушбу Шартнома шартларига мувофиқ Мижозга Ягона QR-код генерация қилиш (яратиш), тўловларни техник қўллаб-қувватлаш ва Харидорлар томонидан QR-код орқали амалга оширилган тўловларни Мижознинг банкдаги ҳисобварағига кирим қилиш хизматларини кўрсатади.

**2.2.** Мижоз кўрсатилган хизматлар учун Банкка ушбу Шартномада ва Банк тарифларида белгиланган миқдорда воситачилик ҳақи (комиссия) тўлайди.

**2.3.** Мижоз ушбу Оферта шартлари асосида Ягона QR-код олиш ва хизматдан фойдаланиш учун Банк томонидан белгиланган шаклдаги Ариза-шартнома (ушбу Шартноманинг 1-илоvasи) билан Банкка мурожаат қилади.

## **3. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

**3.1.** Харидор томонидан Ягона QR-код орқали тўланган маблағлар Банкнинг транзит ҳисобварағига тушгандан сўнг, Банк ушбу маблағларни Мижознинг банкдаги ҳисобварағига банк қоидаларида белгиланган муддатларда ўтказиб беради.

**3.2.** Хизмат кўрсатганлик учун Банк Мижозга ўтказилаётган маблағлардан Хизмат кўрсатиш тарифларига мувофиқ комиссия тўловини акцептсиз (автоматик) тартибда ушлаб қолади.

**3.3.** Банк тарифлари ўзгарган тақдирда, Банк бу ҳақда Мижозни ўз расмий веб-сайти ёки Шахсий кабинет орқали камида 10 кун олдин хабардор қилади.

**3.4.** Ягона QR-код орқали амалга оширилган тўловлар бўйича хатолик, ортикча ёки такрорий тўлов, нотўғри реквизитлар кўрсатилиши, харидор эътирозиди, товар (хизмат)нинг қайтарилиши, савдо операциясининг бекор қилиниши ёхуд бошқа ҳар қандай низоли ҳолатлар юзага келган тақдирда, Томонлар ушбу ҳолатларни Банкнинг ички тартиб-қоидалари, тегишли тўлов тизими қоидалари ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ кўриб чиқади.

Низоли операция бўйича текширув якунлангунга қадар, Банк куйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли операцияни (маблағларни) вақтинча ушлаб туриш ва қайта ишлаш;
- операцияни бекор қилиш ёки тузатиш ёзувларини киритиш;
- Мижоздан тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар ва тушунтириш хатларини талаб қилиш.

Мижоз низоли ҳолатларни кўриб чиқиш жараёнида Банк томонидан сўралган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этиши шарт.

## **4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**4.1. Банкнинг мажбуриятлари:**

- **4.1.1.** Мижоз учун созланган ва ишчи ҳолатдаги Ягона QR-кодни генерация қилиб бериш.
- **4.1.2.** Банк Ягона QR-код хизмати доирасида бевосита ўз назоратида бўлган ахборот тизимлари ва техник воситаларда юзага келган узилишларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўради.  
Ягона QR-код хизмати Банкнинг ахборот тизимлари, тўлов инфратузилмаси, алоқа каналлари, ташқи тўлов тизимлари, интернет-провайдерлар ва бошқа техник воситаларнинг узвий фаолиятига боғлиқлиги сабабли, қуйидаги ҳолатларда хизмат кўрсатиш вақтинча чекланиши ёки тўхтатилиши мумкин:
  - режалаштирилган профилактика ва техник ишлар ўтказилганда;
  - техник носозликлар ва алоқа каналларида узилишлар юзага келганда;
  - ташқи тўлов тизимлари ёки учинчи томон операторлари хизматида узилишлар бўлганда.
 Банк ўз айбисиз юзага келган техник узилишлар, ташқи инфратузилмадаги носозликлар ёки учинчи шахслар ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида Мижозга етказилиши мумкин бўлган билвосита зарарлар учун жавобгар ҳисобланмайди.
- **4.1.3.** QR-код орқали амалга оширилган транзакциялар бўйича маблағларни ушбу Шартномада белгиланган муддатларда Мерчантнинг банк ҳисобварағига ўз вақтида кирим қилинишини таъминлаш.

## 4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

- **4.2.1** Мижоз томонидан қонунчиликка зид ёки шубҳали операциялар амалга оширилгани аниқланганда, QR-код орқали тўловларни қабул қилишни вақтинча тўхтатиб қўйиш (блоклаш).
- **4.2.2** Кўрсатилаётган хизматлар тарифларини бир томонлама ўзгартириш.
- **4.2.3** Мижоз томонидан қонунчиликка зид, шубҳали ёки фирибгарлик аломатларига эга бўлган операциялар амалга оширилганлиги аниқланганда ёки бундай операциялар мавжуд деб ҳисоблаш учун асослар юзага келганда, шунингдек Қонунчилик талабларини бажариш мақсадида Банк QR-код хизмати бўйича операцияларни чеклаш, тўхтатиш, қўшимча маълумот ва ҳужжатлар талаб қилиш ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ҳуқуқига эга. Мижоз томонидан Банк сўраган маълумот ва ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаган тақдирда ҳам Банк мазкур чораларни қўллаш ҳуқуқига эга.
- **4.2.4** Агар Мижоз, унинг раҳбари, таъсисчиси, бенефициар мулкдорларидан бири ёки операция иштирокчиларидан бири Қонунчилик талабларига мувофиқ шакллантириладиган тегишли рўйхатларга киритилганлиги аниқланса ёки улар билан боғлиқ операциялар мавжудлиги белгилари аниқланса, Банк Қонунчилик талабларида назарда тутилган чораларни қўллаш, операцияларни чеклаш, тўхтатиш ёки пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш ёки QR-код хизмати кўрсатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

## 4.3. Мижознинг мажбуриятлари:

- **4.3.1** Банк томонидан тақдим этилган QR-кодни харидорлар учун қулай ва кўринадиган жойга жойлаштириш.
- **4.3.2.** Мижоз харидорга товарни топширишни ёки хизмат кўрсатишни фақатгина Ягона QR-код орқали амалга оширилган тўлов Банк тизимида муваффақиятли бажарилган операция сифатида тасдиқланганидан сўнг амалга ошириши шарт.

Бунда тўловнинг расмий тасдиғи сифатида фақат қуйидаги электрон каналлар орқали акс этган маълумотлар тан олинади:

- Банк томонидан Мижозга тақдим этилган Шахсий кабинет;
- Махсус дастурий модул;
- Банк томонидан Мижоз ёки кассирга юборилган СМС-хабарномалар ёхуд Банк томонидан белгиланган бошқа расмий электрон каналлар.

Харидор томонидан кўрсатилган скриншот, телефон экранидаги тасвир, харидорнинг телефонида келган SMS-хабарнома, тўлов топшириқномаси нусхаси ёки бошқа ҳар қандай норасмий ҳужжатлар якуний тўлов тасдиғи ҳисобланмайди.

Мижоз ёки унинг кассири тўловнинг муваффақиятли амалга оширилганлигини юқорида кўрсатилган расмий манбалар орқали олдиндан текширмасдан товарни топширган ёки хизматни кўрсатган тақдирда, ушбу ҳолат натижасида юзага келадиган барча молиявий зарарлар, эътирозлар ва низолар учун Мижоз мустақил ва тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

- **4.3.3** QR-код тизимидан фақат қонуний тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиш, тизимдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мақсадларида фойдаланмаслик.
- **4.3.4** Банк томонидан Қонунчилик талабларини бажариш мақсадида сўралган маълумотлар, ҳужжатлар ва тушунтиришларни белгиланган муддатларда тақдим этиш.
- **4.3.5** Мижоз ўзининг фаолият тури, савдо (хизмат кўрсатиш) нуқтаси манзили, жойлашган манзили ёки Қонунчилик талабларига мувофиқ Банкка тақдим этилиши лозим бўлган бошқа маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Банкни кечиктирмасдан, аммо **5 (беш) иш кунидан** кечиктирмаган ҳолда хабардор қилиши шарт.
- **4.3.6.** Банк томонидан тақдим этилган QR-коднинг бутлиги ва ҳақиқийлигини таъминлаш, унинг сохталаштирилиши, алмаштирилиши ёки учинчи шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланилишининг олдини олиш чораларини кўриш.
- **4.3.7.** Ахборот хавфсизлигига оид ҳодисалар, шу жумладан QR-код алмаштирилганлиги, рухсатсиз кириш ҳолатлари, логин ва паролларнинг ошкор бўлиши ёки фирибгарлик аломатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда бир иш кунидан кечиктирмай Банкни хабардор қилиш.
- **4.3.8.** Шахсий кабинетдан фойдаланиш учун ажратилган логин, парол, SMS-кодлар ва бошқа аутентификация воситаларининг махфийлигини таъминлаш ҳамда уларни учинчи шахсларга бермаслик.

#### **4.4. Мижознинг ҳуқуқлари:**

- **4.4.1** Банкдан транзакциялар бўйича ҳисоботларни талаб қилиш.
- **4.4.2** Техник носозликлар юзага келганда Банкнинг қўллаб-қувватлаш хизматиغا мурожаат қилиш.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**5.2.** Мижоз Шахсий кабинет, мобил илова, махсус дастурий модул, тизимга кириш логини ва пароли, бир марталик тасдиқлаш кодлари, Ягона QR-код ҳамда аутентификация

воситаларининг махфийлиги, сақланиши ва бутлигини қатъий таъминлаши шарт. Ушбу маълумотлар ва воситалар учинчи шахсларга ошкор қилинган, йўқотилган, ўғирланган, улардан рухсатсиз фойдаланилган ёки Мижоз ходимлари томонидан хавфсизлик қоидалари бузилган тақдирда, Мижоз бу ҳақда Банкни **дарҳол хабардор қилиши шарт**.

Қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келган ҳар қандай савдо операциялари, молиявий зарарлар, эътирозлар ва низолар учун **Банк жавобгар ҳисобланмайди**:

- Мижоз томонидан кириш маълумотлари, пароллар ва QR-кодни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби бузилганда;
- QR-код сохталаштирилганда ёки алмаштириб қўйилганда;
- Аутентификация маълумотлари учинчи шахсларга ошкор қилинганда ёки Мижоз томонидан фойдаланиладиган қурилмалар етарли даражада химояланмаганда.

**5.3.** Томонлар форс-мажор (енгиб бўлмас кучлар) ҳолатлари юзага келганда мажбуриятларни бажармаслик жавобгарлигидан озод этилади.

**5.4.** Банк томонидан Қонунчилик талабларини бажариш мақсадида операцияларни чеклаш, тўхтатиш, қўшимча маълумот ва ҳужжатлар талаб қилиш ёки қўшимча текширувлар ўтказиш натижасида Мижозга етказилиши мумкин бўлган зарарлар учун Банк жавобгар ҳисобланмайди.

**5.5.** Томонлар банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа конфиденциал маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

## **6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**6.1.** Ушбу Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

**6.2.** Музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Банк жойлашган ҳудуддаги тегишли иқтисодий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан кўриб чиқилади.

## **7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

**7.1.** Шартнома Мижоз томонидан Акцептланган (тасдиқланган) пайтдан бошлаб кучга киради ва номуайян муддатга тузилган ҳисобланади.

**7.2.** Исталган Томон иккинчи Томонни камида \_\_\_\_\_ календарь кун олдин ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

**7.3.** Мижоз томонидан Қонунчилик талаблари бузилганлиги ёки бундай бузилиш хавфи мавжудлиги аниқланган тақдирда, Банк QR-код хизмати кўрсатилишини чеклаш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга.

**7.4.** Мерчант томонидан ушбу Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ тўлдирилган ва имзоланган Ариза-шартноманинг Банкка тақдим этилиши ва Банк томонидан қабул

қилиниши ушбу Офертанинг тўлиқ ва сўзсиз Акцепти (қабул қилиниши) ҳисобланади.  
Ушбу Ариза-шартнома Офертанинг ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**БАНК:**

« \_\_\_\_\_ » АЖ

Манзил: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

Х/р: \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

**МИЖОЗ:**

« \_\_\_\_\_ »

Манзил: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

Х/р: \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

# Ягона QR-код генерация қилиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида

Кимга: «Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ \_\_\_\_\_ офис раҳбарига

Кимдан: \_\_\_\_\_  
(Мерчантнинг тўлиқ номи)

Ушбу ариза орқали, биз Банк томонидан расмий веб-сайтда тизимда эълон қилинган «Ягона QR-код орқали тўловларни қабул қилиш хизматини кўрсатиш тўғрисидаги оммавий оферта шартномаси» (бундан буён – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишганимизни, ундаги барча шартларга сўзсиз рози эканлигимизни ва уларни бажариш мажбуриятини ўз зиммамизга олишимизни (Офертани акцептлашимизни) билдирамиз.

Шу муносабат билан, бизга тўловларни қабул қилиш учун Ягона QR-код генерация қилиб беришингизни ҳамда қуйидаги маълумотларни тизимда рўйхатдан ўтказишингизни сўраймиз:

## 1. Мерчант (Мижоз) тўғрисида маълумотлар

Тўлдириладиган майдонлар	Мерчантнинг маълумотлари
Мерчантнинг тўлиқ номи	
СТИР (ИНН)	
Юридик манзили	
Фаолият кўрсатиш (савдо нуқтаси) манзили	
Раҳбарнинг Ф.И.Ш. ва телефон рақами	
Масъул ходим Ф.И.Ш. ва телефони	

## 2. Банк реквизитлари (Маблағлар кирим қилинадиган ҳисобварақ)

Тўлдириладиган майдонлар	Банк реквизитлари
Хизмат кўрсатувчи банк номи	
Мерчантнинг ҳисобварағи (20 хонали)	

## 3. Фаолият тури ва МСС код (Мерчант томонидан тўлдирилади)

• **Асосий фаолият тури (йўналиши):**

\_\_\_\_\_

(Масалан: Чакана савдо (озик-овқат), умумий овқатланиш (ресторан), дорихона хизмати ва ҳ.к.)

• **Банк томонидан бириктириладиган МСС код:** [ \_\_\_\_\_ ] (Банк ходими томонидан тўлдирилади)

**4. Мерчантнинг тасдиқлари ва мажбуриятлари**

1. Ушбу аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигига ва тўғрилигига тўлиқ жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз. Фаолият туримиз ёки реквизитларимиз ўзгарган тақдирда Банкни 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилишга ваъда берамиз.
2. QR-код орқали қабул қилинган тўловлардан Оферта ва Банк тарифларида белгиланган миқдордаги воситачилик ҳақи (комиссия) Банк томонидан ҳисобварағимиздан **акцептсиз (автоматик) тартибда** ушлаб қолинишига сўзсиз розилик берамиз.
3. Ушбу Ариза Банк томонидан қабул қилиниб, QR-код генерация қилинган (тизимда фаоллаштирилган) пайтдан бошлаб, Мерчант ва Банк ўртасида Оферта шартлари асосида икки томонлама Шартнома тузилган деб ҳисобланишини тан оламиз.
4. Ушбу аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммамизга оламиз. Фаолият туримиз, савдо (хизмат кўрсатиш) нуқтаси манзили, жойлашган манзилимиз ёки Қонунчилик талабларига мувофиқ Банкка тақдим этилиши лозим бўлган бошқа маълумотлар ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Банкни кечиктирмасдан, аммо 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини оламиз.

**Мерчант номидан раҳбар (ёки ишончли вакил):**

\_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ /

(Имзо) (Ф.И.Ш.)

**М.Ў.** (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

**Банкнинг масъул ходими белгиси:**

Ариза қабул қилинди ва маълумотлар текширилди. Мерчантга \_\_\_\_\_ МСС коди бириктирилди ва Ягона QR-код генерация қилинди.

**Масъул ходим:** \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ /

(Имзо)

(Ф.И.Ш.)

**Сана:** «\_\_» \_\_\_\_\_ 202 й.